

I.«Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

1. Меҳнат таълими ўқитувчисига дарс ўтишда зарур бўладиган ўқув –меъёрий хужжатлар.

Талабалар онгига педагогика, психология, «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси», мутахассислик ва махсус фанлар бўйича олган билимларининг яхлит мужассамлашган моделини шакллантириш, уларни чуқурлаштириш амалда синаб кўриш, шунингдек, педагогик амалиёт орқали уларни келгусидаги педагогик фаолиятига тайёрлаш мақсадида «меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фани бўйича маъруза машғулотларидан ташқари амалий ва амалий лаборатория машғулотлари ўтказилади. Бу ҳар иккала турдаги машғулотлар ўз олдига қўйилган мақсади, ўрганиш объекти мазмуни, ташкилий шакл ва методлари билан биридан фарқланади.

Талабаларнинг «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фанидан олган назарий билимларини амалда қўллаш ва синаш, уларни келгуси ўқитувчилик фаолиятида керак бўлган асосий режалаштирувчи (ўқув – меъёрий) хужжатлар мазмуни билан таништириш, уларни ишлаб чиқиш бўйича билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш амалий машғулотлар жараёнида амалга оширилади.

Талабалар «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фанидан амалий машғулотлар жараёнида қуйидаги хужжатлар билан танишиб, уларни ўрганиб чиқишади айримларини ўзлари тузишни ўрганишади:

1.Давлат таълим стандартлари. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини, баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасалардан (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шarti амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув

дастурлари, дарсликлар, кўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шарти ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

2.Ўқув режаси. Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёрлашга ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжати дир. Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмдаги миқдорини ифода қилади. У ҳар бир синфда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

3.Ўқув дастури. Ўқув дастури ҳар бир фан бўйича алоҳида-алоҳида тегишли мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги таълим Маркази томонидан тасдиқланади. Ўқув дастурларини ишлаб чиқишга ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот муассасалари ва вазирликнинг етакчи ходимлари, умумтаълим мактаблари етакчи ўқитувчилари жалб қилинади. Ўқув дастурлари давлат ҳужжатлари бўлиб, буларни бажариш ҳар бир мактаб, меҳнат таълими ўқитувчи учун мажбурийдир.

Меҳнат таълими ва касбга йўналтириш бўйича ўқув дастури ҳар бир синфда йўналишлар бўйича ўқувчиларни қандай билим ва малакалар билан қуроллантириш керак эканлиги, бу малакалар билан қуроллантириш учун қандай иш объектлари танлаш мумкинлиги, уларни бажаришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, техник-технологик маълумотлар ҳажми ва изчиллиги, уларни қандай бўлимларга ажратиб

ўрганиш кераклиги, шунингдек, ҳар бир бўлимни ўрганиш учун ажратилган соатлар миқдори кўрсатилган бўлади.

4.Календар мавзули режа. Календар мавзули режа ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида мактабнинг ҳар бир меҳнат таълими ўқитувчиси томонидан маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва мактаб метод бирлашмаси, педагогик кенгаши муҳокамасидан кейин мактаб директори томонидан тасдиқланади. Календар мавзули режа ҳар бир бўлимни қандай мавзуларга ажратилиб, улар қандай кетма-кетликда, неча соатдан ўқув йилининг қайси саналарида ўқитилиши, бу мавзулар таълимнинг қайси шакл ва методлари ёрдамида ўргатилиши, ҳар бир мавзунини ўқитишда қайси амалий ишни бажариш, бунинг учун қандай асбоб-ускуналар, хом ашё, техник-технологик ҳужжатлар зарурлиги, шунингдек, ўқитишнинг техникавий воситалари, адабиёт ва методик қўлланмаларнинг қайсилари зарур бўлиши, қандай янги педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлигини олдиндан кўрсатувчи ҳужжат бўлиб, ҳар бир синф ва йўналишлар учун алоҳида бир йилга мўлжаллаб тузилади.

5.Меҳнат таълими бўйича ўқув устахонасида ясаладиган буюмлар рўйхати - ҳар бир синфда ўқувчилар ўқув йили давомида қандай ишларни бажара олиш имконияти мавжудлигини олдиндан аниқлаш, бу ишларни бажаришда назария ва амалиётнинг бир-бирига мутаносиблигини амалга ошириш ҳамда уларни қандай кетма-кетликда бажариш кераклигини кўрсатувчи ҳужжат бўлиб, уни ҳар бир меҳнат таълими ўқитувчиси маҳаллий шарт-шароитлар, ўқув дастурида кўрсатилган иш объектларининг намунавий рўйхатини ҳисобга олган ҳолда календар мавзули режага асосланиб ишлаб чиқади ва у мактаб директори томонидан тасдиқланади. Меҳнат таълими бўйича ўқув-ишлаб чиқариш (ўқув устахонасида қилинадиган ишлар) рўйхати ва календар мавзули режа бир вақтда тузилади.

6. Меҳнат таълими ва касбга йўналтириш дарсларининг табиий-илмий циклдаги фанлар билан боғлиқлик жадвали - ҳар бир мавзу мазмунини ёритишда унинг моҳиятини ўқувчилар томонидан чуқур, илмий асосланган ҳолда тасаввур этишлари, вақтдан унумли фойдаланиш, назарий билимларини амалда, ҳаётга ва ишлаб чиқаришга қўллаш имкониятларини кенг ёритиш, уларнинг политехник

тушунчаларини кенгайтириш мақсадида ўқитувчи томонидан тузилади ҳамда у календар мавзули режада ўз ифодасини топади.

7. Дарс режаси. Дарс режаси танланган шакл ва методлар асосида машғулотни қандай ташкил этиш, унинг тузилиши ва мазмунини қандай изчилликда амалга оширишни кўрсатувчи ҳужжат бўлиб ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулот учун алоҳида-алоҳида тузилади ва мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан ҳар бир машғулотдан олдин тасдиқланади. Дарс режасининг тузилиши назарий машғулот, амалий машғулот, аралаш ва экскурсия машғулотлари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

8. Дарс матни (конспекти). Дарс режаси ва дарс матнини тайёрлаш ўқитувчининг дарсга тайёрланганлигининг охириги босқичи ҳисобланади. Дарс матни дарс режасида кўрсатилган изчилликда ёзилиши лозим бўлиб, унда ўқувчиларга етказилиши зарур бўлган асосий тушунчалар, схема ва чизмалар ҳамда эса сақлаб қолиши нисбатан қийин бўлган маълумотлар акс эттирилади. Бунда ўқув дастурида кўрсатилган меъёрдан четга чиқиб кетмаслик талаб этилади.

Дарс матни дарслик ва методик адабиётлар, ҳамда ўқитувчининг иш тажрибалари асосида ёзилиб, дарс режаси билан бир вақтда мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича муовини томонидан тасдиқланади ва дарс режаси ва матни билан ўқитувчи дарсга киради.

«Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фанидан амалий машғулотлар давомида талабалар ДТС, ўқув режаси ва дастуридан тортиб то ўқитувчининг машғулотларга киргунча зарур бўладиган барча ҳужжатлар мазмуни билан танишадилар ва уларни ишлаб чиқадилар.

Таълим методи. Меҳнат таълими жараёнининг энг муҳим жиҳатларидан бири таълим методларидир. Таълим методи – ўқитувчи томонидан ўқувчилар онгига билим, кўникма ва малакаларни сингдириш ва ўқувчилар томонидан бу билим, кўникма ҳамда малакаларни ўзлаштириш усуллари тавсифлайди. Ишлаб чиқариш талими методлари деганда устоз билан ўқувчиларнинг биргаликликда ташкил қилинган фаолиятининг турлари тушинилади.

Меҳнат таълими жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилади. Улар билим ва кўникма манбалари жихатдан нутқий (тушунтириш) суҳбат ёзма йўриқнома ва ҳоказо: кўргазмали (меҳнат усуллари ва ҳаракатларни кўрсатиш, кўргазмали қуролларни намойиш қилиш, ишлаб чиқариш техника вазифаларини ҳаказолар усулларига бўлинади. Таълим методларини асосан қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин;

1.Таълимнинг оғзак методлари.

2.Таълимнинг кўргазмали методлари.

3.Таълимнинг амалий методлари.

Хар бир методнинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд бўлиб, у таълимнинг мазмуни мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда танланди. Турли хил таълим методларининг таълим вазифасини амалга ошириш имкониятлари

2. Амалий ишларни бажариш бўйича методик кўрсатмалар.

1.Амалий иш

1.Меҳнат таълими давлат таълим стандарти ва дастури билан таништириш.

1.1. Тушунтириш хати мазмуни.

а) умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти асосий қоидалари билан таништириш;

б) ўқувчилар олдига қўйиладиган талабларни ва шу билан ,биргаликда меҳнат таълимининг умумий қоидалари, мақсади ва вазифаларини ўрганадилар;

в)меҳнат таълимини ўқитишда таълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи вазифаларни ўрганадилар;

г) умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси билан яқиндан танишадилар;

д)меҳнат таълими фанига ажратилган умумий соатнинг ҳажми ва синфларга тақсимланишини таҳлил қиладилар.

1.1. а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасит Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг

«Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 1998 йил 13-майдаги 203-сонли қарори бажарилишини таъминлаш, таълим мазмунига ислохотланинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида 390-сонли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари тасдиқланди ва у умумий ўрта таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич жорий этилади.

Умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди.

Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Бу стандарт умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув дастури, ўқув методик қўлланма, дарслик ва бошқа меъёрий материалларни ишлаб чиқиш, ўқув тарбия

жараёнини ташкил этиш, ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатдир.

Давлат таълим стандарти таълимнинг қайси турлари учун белгиланади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» ги 5-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат таълим стандартлари тўғрисида Низом» нинг 3.1 бандига асосан ДТС таълимнинг қуйидаги турлари учун белгиланади:

- умумий ўрта таълим, шу жумладан бошланғич таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари)
- олий таълим (бакалавриат, магистратура)

3.2 бандда мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади деб кўрсатилган.

1.1.2. Меҳнат таълимининг мақсад ва вазифалари.

- ўқувчиларда умумехнат кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, касбий мойилликларига кўра касб-ҳунар турларини танлашга асос бўладиган хислатларини, умумехнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

- халқ хўжалигини турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш. уларни харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларига ўргатиш.

- юқори синфларда меҳнат таълими ишчи мутахассисликларининг касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш:

- механизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни; технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатиш.

- турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига таалукли дастлабки маълумотларни ўргатиш, текшириш асбобларидан, маълумотномалардан фойдалана олиш, меҳнат амалиётларини бажариш, олинган натижаларини қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса ячиқаришга ўргатиш.

- уқувчиларга билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сиғдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш.

- уқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштиришга ва етиштирилган маҳсуотларни истеъмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш боқарувчи (менежерлик) унсурларини, ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантириш.

- халқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш. Миллий қадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарини бой меросини ўргатиш ва улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

- меҳнат таълими ва касбгача тайёрлаш жараёнларида ахборот технологиялари ва компьютер техникаси, янги технология ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини таъминлаш.

Меҳнат таълими ва касбларга йўналтириш жараёнлари олдида қўйилган юқоридаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш таълим стандарти воситасида амалга оширилади. Меҳнат таълими стандарти умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таъғлимининг таянч мазмуни ҳамда битирувчиларнинг меҳнат таълими ва касб танлашга тайёргарлик даражасини белгиловчи меъёрлар мажмуаси бўлиб, у давлатнинг таълим соҳасидаги меъёрий ҳужжати ҳисобланади. Давлат таълим стандартида белгилаб қўйилган кўрсаткичларга эришиш давлат

томонидан талаб қилинади ва ўз навбатида бу кўрсаткичларга эришиш учун зарур бўлган таълим олиш имокниятлари таъминлади.

Ўқувчилар таъминланиши зарур бўлган меҳнат таълими ва касбларга йўналтириш таълими мазмуни умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга бериладиган меҳнат таълими мазмуни негизини ифодалайди. Ушбу таълим мазмуни ҳар бир ҳудудда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига мос ҳолда ўқув дастури ва дарсликларни яратишда асосий мезон вазифасини бажаради ва уни амалга жорий этиш учун хизмат қилади.

Меҳнат таълими ва касбга йўналтириш таълими мазмуни қуйидаги 5 та йўналишларга бўлинади:

- ёғочга ишлов бериш технологияси
- металлга ишлов бериш технологияси
- газламаларга ишлов бериш технологияси
- пазандачилик асослари
- қишлоқ хўжалиги асослари

Ушбу ҳар бир меҳнат йўналишлари халқ хунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўналтириш билан яқунланади.

в) меҳнат таълимини ўқитишда таълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи вазифалар.

Мустақил республикамызда жорий этилган ўқув дастури умумтаълим мактабларида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади вазифалари тамойиллари ва бошқа мезонларини белгилайди.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг 1999 йил 14-15 апрелда ўтказилган биринчи чақириқ XIV сессиясида Президент И.А.Каримов нутқида белгилаб берилган таълим соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги долзарб масалалари баркамол авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, илмли бўлишини таъминлаш юзасидаги вазифаларга, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур» ларига биноан ишлаб

чиқилган. Дастур 1998-1999 ўқув йилида республиканинг белгиланган мактабларида меҳнат таълими ўқув фанидан ўтказилган тажриба синовлари натижаларига асосан тузилган.

Умумий ўрта таълим мактабида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсади - ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар турлари билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, уларни меҳнат ва касбларни кадрлаш, уларни аҳамиятини тушунтиришга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларнинг касбгача бўлган тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим бўлади.

Таълимий вазифа- ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, уларни касб танлашга йўналтириш, камида 3 та касб билан дастлабки тайёргарликларини амалга ошириш ва касб-хунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа- ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш жарпаёнида меҳнат ва касбга муносабатларида юқори ахлоқий сифатларини, меҳнатсеварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа- меҳнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбия ва таълим бериш, касбгача тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Меҳнат таълими фанининг мазмуни шартли равишда 3 га, яъни меҳнат таълими тайёргарлиги, касблар бўйича тайёргарлик ва касбгача махсус тайёргарлик қисмларига бўлинади. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларнинг ўқитувчилар ва услубчилар томонидан илмий-услубий нуқтаи-назаридан ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилиб борилиши меҳнат таълими машғулотларининг аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим ДТС асосидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг таянч ўқув режаси.

Умумий ўрта таълим муассасаларига мўлжалланган ўқув режа таълим оловчига тушадиган ўқув юкларининг энг юқори меъёрини белгилайди, уни давлат ва мактаб ихтиёрига тегишли қисмларга ажратади ҳамда ўқув соатларини таълим соҳалари, предметлар ва синфлар бўйича тақсимлайди.

Ўқув режасининг давлат компоненти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълимнинг яхлитлигини таъмин этади; умумий ўрта таълим муассасаларини битирувчилар томонидан билим ва кўникмаларнинг энг кам (минимум) миқдори эгалланишини кафолатлайди. Уларни кейинчалик академик лицейлар ёки касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришларига асос яратади.

Ўқув режанинг мактаб компоненти эса ҳар бир таълим муассасасининг ўз қиёфаси бўлишига имкон беради, ўқувчиларнинг ўзига хос интилишларига, характер хусусиятларига ва қизиқишларига мос тарзда индивидуал ривожланишларига шароит яратади.

ДТС асосидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг таянч ўқув режасига асосан 1-9 синфларда давлат компонентидаги умумий соатлар миқдори 8616 соат.

Мактаб компонентидаги умумий соатлар миқдори 610 соат.

Давлат ва мактаб компонентидаги умумий соатлар 9226 соатни ташкил этади.

Давлат компоненти қуйидаги таълим соҳаларини ўз ичига олади ва умумий соатлар миқдори 8616 соатнинг қуйидаги фоизлари ажратилган:

1. Филология соҳаси - 38,6 %
2. Ижтимоий билимлар – 6,9 %
3. Математика таълими - 19,0%
4. Табиий билимлар – 14,0 %
5. Маънавият соҳаси – 3,45 %
6. Санъат соҳаси – 5,5%
7. Технология соҳаси – 5,5 %
8. Соғломлаштириш таълими - 7,0 %

Технология соҳаси меҳнат таълими ва чизмачилик фанларини ўз ичига олади.

Бунда: меҳнат таълими – 4,72 % (407 соат), чизмачилик - 0,79 % (68 соат).

Санъат соҳаси мусиқа маданияти ва тасвирий санъат фанларини ўз ичига олади: мусиқа маданияти-2,75 % (237 соат), тасвирий санъат - 2,75% (237 соат).

Соғломлаштириш таълими соҳасига жисмоний тарбия, фуқаро муҳофаази, инсон ҳавфсизлиги асослари предметлари киради. Бу соҳага 7,0 % ўқув вақти ажратилган. (610 соат).

Мактаб компоненти барча 1-9 синфларда ҳафтасига 2 соатдан қилиб белгиланган. Бу соатлардан ўқувчиларни қизиқишига кўра, ижодий қобилиятини ўстирувчи яққа, гуруҳ машғулотларига ҳамда ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишда фойдаланилади.

Бундан ташқари ДТС га биноан меҳнат таълимнинг барча йўналишлари бўйича амалий меҳнат машғулотлари ўтказилади. 5 ва 6 синфларда 6 кун 3 соатдан жами 18 соат, 7-синфда 10 кун 3 соатдан жами 30 соат ва 8-синфда 16 кун 4 соатдан жами 64 соат бўлиб, ўқув йилининг ёзги, баҳорги ва қишки амалий машғулотлар даврида ўтказилади. Изоҳ: амалий меҳнат машғулот-ларининг соатлари меҳнат таълими ўқув дастурида 1-2 соат ортиқча кўрсатилган.

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқув режасида меҳнат таълимнинг ўрни.

Меҳнат таълими фани - ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларини ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарурий амалий кўникма ва малакаларини эгаллашларига, онгли равишда ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида меҳнат таълими ўқув фанига 1-4 синфларида ҳафтасига бир соатдан, 5-7 синфларида ҳафтасига икки

соатдан ва 8-9 синфларида ҳафтасига бир соатдан, ҳаммаси бўлиб 407 соат вақт ажратилган.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадий меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган.

5-7 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий эстетик диди ва дунёқарашини кенгайтирадиган, оилавий ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юқорида кўрсатилган ўқув режалари ўқувчиларга миллий маданият ва анъаналарига меҳр-муҳаббат уйғотади. 8-9 синфларда касб-хунарларга йўналтириш курси таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар таълими йўна-лишларини онгли равишда танлашларига кўмаклашади.

1.2. Йўналишлар бўйича дастурнинг мазмуни .

- а)меҳнат таълимининг асосий йўналишларининг мазмуни билан танишиш.
- б)йўналишларнинг мактаб ихтиёрида танланиши ва ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан бўлимлар бўйича умумий маълумотлар бериш ҳақида маълумотлар тўплайдилар.
- в)материалшунослик бўлимининг мазмуни;
- г)асбоб-ускуналар ҳақида маълумот бўлими мазмуни;
- д)машина, механизм, станоклар ва мосламалар бўлимининг мазмуни;
- е)маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси бўлимининг мазмуни;
- ж)ҳалқ хунармандчилиги бўлимининг мазмуни;

Меҳнат таълимининг йўналишлари.

Меҳнат таълимининг йўналишлари мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-хунар коллежларида кенг тарқалган соҳалар касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра ҳар бир мактабда меҳнат таълимининг қуйидаги йўналишлари асос қилиб олинаши мумкин.

- ёғоч ва унга ишлов бериш технологияси
- металл ва унга ишлов бериш технологияси
- газламаларга ишлов бериш технологияси
- пазандачилик асослари
- қишлоқ хўжалиги асослари ва бошқалар

5-7 синфларда ушбу йўналишлардан айримлари танланади ва 8-9 синфларда шу танланган йўналишларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш асослари ва касбга йўналтириш курси ўқитилади.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги билимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва ишлатиш усуллари
3. Машина механизм, станоклар ва мосламаларнинг тузилиши ва ишлатиш асослари
4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси
5. Халқ ҳунармандчилиги касблари бўйича умумий маълумотлар бериш ва ўзаро турдош учта касб йўналиши бўйича касбгача тайёргарликни амалга ошириш.

Бундан ташқари ҳар бир асосий йўналиши бўйича уй-рўзғор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмалари шакллантириб борилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича ишлатиладиган электротехника воситалари, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда таъмирлаш ишлари ўргатилади.

Ҳар бир асосий йўналиш бўйича компьютер техникаларидан фойдаланиш масалалари юзасидан дастлабки маълумотларни бериш кўзда тутилади.

Ҳар бир дарс мазмунига боғлиқ ҳолда иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимлар ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда ўргатиб борилади.

5-7 синфларда меҳнат таълими йўналишларининг ҳаммаси учун уйғунлаштирилган бадиий меҳнат технологияси ва машина элементлари

машғулотлари ўтказилади. Дастурда бадий меҳнат технологияси машғулотлари барча йўналишлар бўйича умумлаштирилган ҳолда берилган, улардан тегишли йўналишларга доир мавзулар ўқитувчи томонидан ажратиб олиниши лозим.

Меҳнат таълими дарсларида ўқувчилар касблар турларига оид билим кўникма ва малакалар мактаб жойлашган ҳудуддаги имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танланадиган касблар асосида шакллантирилади.

Қишлоқ хўжалиги меҳнати таълими заминида машғулотларнинг асосан халқ ҳунармандчилиги касблари ва ёш фермерлик йўналишида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Йирик саноат ишлаб чиқариши ривожланган ҳудудлардаги мактабларда меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни шу саноат соҳасига оид замонавий касбларга йўналтириш имкониятлари яратилиши лозим.

2. Амалий иш

2. Тақвимий мавзули режани ишлаб чиқиш.

2.1. Ярим ёки бир йилга мўлжалланган тақвимий режа жадвалини бериш. Меҳнат таълимида календар мавзули режа йўналишлар бўйича алоҳида тузилади. Ҳар бир йўналиш бўйича мактаб ўқув режасига асосланиб ҳамда Давлат таълим стандартларидан ва дастурдан келиб чиққан ҳолда бир ўқув йилига мўлжаллаб, фан ўқитувчиси томонидан тузилади. Истиқболли календар мавзули режа ўқув йили бошида август кенгаши йиғилишида кўриб чиқиб маъқулланади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади. Ўқув йили давомида фаннинг мазмунини календар мавзули режа очиб беради. Режа мавзулари ўқитиш кетма-кетмалигини, амалий, назарий билимлар учун вақт тақсимотини кўрсатиб беради. Календар мавзули режада бутун ўқув йилида қар бир бўлим, мавзу учун қанча вақт ажратилади ва бу мавзулар қайси муддатда ўқитилиши аниқ кўрсатилади.

Ушбу жадвалдаги устунларни белгиланган рақамга кўра қуйидагича тавсифлаш мумкин:

Дарс кетма-кетлиги.	Бўлим ва мавзулар номи.	Ажратилган соат.	Дарс ўтиш санаси.	Дарс методи, тури.	Кўргазмали қурол.	Мустақил иш.	Қўшимча.
1	2	3	4	5	6	7	8

2.2. Тақвимий режани ҳар бир элементини изоҳлаш.

1. Дарс кетма-кетлигини билдиради. Ўқув режасида неча соат кўрсатилган бўлса, шунча дарс кетма-кетлиги бўлади. Масалан: 5-6-7 синфларда меҳнат таълими дарслари жами 68 соатни ташкил қилади.

2. Мавзулар номи дастур мазмунидан олинади.

3. Ажратилган соат миқдори ҳафталик соат миқдори ҳисобидан олинади.

4. Дарс ўтиш муддати, ҳафталик дарс жадвалини календарга мувофиқлаштириб олинади.

5. Ушбу мавзунини қандай дарс туридан фойдаланиб ўтилиши кўрсатилади, айниқса ноанъанавий дарс турларидан кўпроқ фойдаланишга эътибор бериш керак.

6. Кўргазмали қуроллар. Ушбу мавзунини тушинтириш жараёнида қандай кўргазмали қуроллардан, техник воситаларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш зарурлиги кўрсатилади.

7. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Синфда ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида албатта уй вазифаси бўлиши шарт. Жуда кўп ўқитувчилар уй вазифаси деганда синф ишини давом эттириш деб тушунадилар. Бу нотўғри ҳисобланади. Ўқувчи синфда бажариладиган ишни уйга олиб кетмасликка одатланиши керак. Бунинг учун ҳар доим дарсларга тайёр бўлиши керак ва топшириқларни ўз вақтида бажарилиши керак. Уй вазифаси шу синфда олган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

8. Ўқув йили давомида шу мавзунини ўқитишда келаси ўқув йилида киритилиши керак бўлган ўзгартиришлар, ўқитувчининг айрим фикрлари, мулоҳазалари тўплаб борилади.

2.3.Тақвимий мавзули режанинг иш объекти билан боғлаш.

Бунда талаба жадвалда кўрсатилган ҳар бир устундаги маълумотларни дарс жараёнида қўллашни ва таълим беришда унинг аҳамияти нимадан иборат эканлигини мисоллар ёрдамида ёритиб бериши керак бўлади.

2.4.Танланган режа бўйича тақвимий мавзули режани ишлаб чиқиш.

Талаба меҳнат таълими йўналишлари ва бўлимлари юзасидан тақвимий мавзули иш режаси тузиб чиқади бунда албатта юқорида кўрсатилган жадвал асосида бажаради.

3.Амалий иш.

3. Дарс режа конспектини ишлаб чиқиш.


3.1.Дарс режа шакли билан таништириш.

Ўқитувчининг дарс режасини тузиш ва матн ёзиш ишлари машғулотга тайёрланишининг якуний босқичи ҳисобланади. Дарс режаларининг бир андазадаги мажбурий шакллари белгилаб қўйилмаган, чунки режа шакли унинг мазмуни, ўтказиш методлари, мавзу материални ёритиш даражаси, дарс мазмунига, унинг таълими ва тарбия мақсадларига, келгуси ишлар хусусиятига, машқларни ташкил этишга, ўқув устасини маҳоратига қараб ўзгариб туради. Бунда дарслик, методик адабиётлар ҳамда бошқа манбалар бўйича ўқувчиларга етказилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар уларга қай тарзда, қандай изчилликда етказилиши кераклиги режалаштирилади ва дарс матни ёзилади. Режалаштиришда дарс ҳар бир мавзунини ўқитишда кўзда тутилган мақсад аниқланди. Аниқланган мақсадга еришиш учун зарур бўлган таълим шакли ва методи, дидактик шарт-шароитлар ҳамда дарс турлари танланди.

Қуйида ремонтчи слесарлар учун «Метални слесарлик даста адраси билан кесиш» мавзуси бўйича ишлаб чиқариш таълимининг дарс режаси намунаси келтирилади. Ундан дарснинг ана шундай режаларини тузишда намуна сифатида фойдаланиш мумкин.


Дарс кўринишлари шакллари

Дарс кўринишлари
(шакллари)



Ялпи	← Гурухли	Якка тартибли	Аралаш
1. Назарий дарсларда	1. Назарий дарсларда	1. Назарий дарсларда	1. Назарий дарсларда
а) барча ўқувчиларга бир вақтда билим кўникма ва малакалар беришди.	а) хар бир гурух ўқувчиларига алохида билим кўн-икма ва малакалар беришда.	а) айрим ўқувчиларга алохида билим кўникма ва мала-калар беришда.	а) турли ўқувчилар-га кўникма мала-калар беришда.
б) ўқувчилар билимларини бир вақтда ялпи текширишда.	б) гурухдаги айрим ўқувчиларнинг билимларини текшириш-да.	б) айрим ўқувчиларнинг билимларини текширишда.	б) гурухдаги ўқувчилар билимларни бир вақтда ялпи ва ай-рим ўқувчиларнинг билимларини алохида текширишда.
в) кўргазмали қуролларни намойиш қилиш ва янги педагогик технологияларни қўллашда.	в) билим даражаси бўйича алохида гурух ўқувчиларига муаммоли таълим методини қўллашда	в) таълим мазмуни-нинг айрим ўқувчилар гурухлари учун турлича ах-амиятлилиги чоғи-да.	в) машғулотда му-аммоли вазият я-ратиш ва суҳбат ме-тодини қўллашда.
2. Амалий машғулотларда.	2. Амалий машғулотларда.	2. Амалий машғулотларда.	2. Амалий машғу-
а) ялпи кўрсатма-	а) хар бир гурухга	а) якка тартибда	2. Амалий машғу-

<p>лар беришда.</p> <p>б) айрим холларда жорий кўрсатмалар беришда.</p>	<p>кўрсатмалар беришда.</p> <p>б) гурухлар ишини ташкил етиш ва бажаришда.</p>	<p>кўрсатмалар бериш-да.</p> <p>б) алохида ўқувчилар ишларини ташкил етиш ва бажаришда.</p>	<p>лотларда.</p> <p>а) бажариладиган иш объектлар турлича бў-лиши билан бир вақтда умумийликка ега бўлган холда.</p> <p>б) алохида ўқувчилар ва гурух ишларни ташкил етиш ва бажаришда.</p>
---	--	---	---



Режалаштиришда дарс ҳар бир мавзунини ўқитишда кўзда тутилган мақсад аниқланди. Аниқланган мақсадга еришиш учун зарур бўлган таълим шакли ва методи, дидактик шарт-шароитлар ҳамда дарс турлари танланди.

Қуйида ремонтчи слесарлар учун «Металлни слесарлик даста аппараси билан кесиш» мавзуси бўйича ишлаб чиқариш таълимининг дарс режаси намунаси келтирилади. Ундан дарснинг ана шундай режаларини тузишда намуна сифатида фойдаланиш мумкин.

Дарс мавзуси: Металлни слесарлик даста аппараси билан кесиш.

Дарс мақсади:

1.Таълимий: Ўқувчиларга слесарлик даст арраси билан ясси, квадрат, юмалоқ, бурчакли пўлат тунукаларини ва трубаларни кесиш иш усулларини тўғри бажаришга ўргатиш.

2.Тарбиявий: Ўқувчиларда асбоб, материалларини асраб-авайлаш, ишда интизом ва эътиборни, меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилишда сергакликни тарбиялаш.

3.Ривожлантирувчи: Ўқувчиларда слесарлик даст арраси билан пўлат тунукаларини ва трубаларни кесиш бўйича олдиндан мавжуд билим, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Дарсни жихозлаш: слесарликда ишлатиладиган арралар, арраларнинг эҳтиёт тасмалари, машқ мосламалари, эталон намуналари, «Арра ва труба кескичида металлни қирқиш» инструктсия картаси - якка тартибда фойдаланиш учун ва умумий фойдаланиш учун, «Металл қирқиш» плакати.

Дарсинг бориши

И. Ташкилий қисм - 8.30 - 8.35

1.Дарс мавзусини айтиш ва мақсадини тушунтириш.

ИИ. Кириш йўл – йўриғи - 8.35 - 8.50

1.Ўқувчиларнинг билимларини текшириш:

- а) кесишда слесарлик оператсияси нима учун қўлланилади? Мисоллар келтиринг;
- б) сиз махсус технология дарсларида металл қирқишнинг қандай турларини ўргангансиз?
- в) арранинг тишлари нима учун арра полотносида чапараста қилинади?
- г) нима учун ясси материални йирик тишли арра билан кесиш тавсия етилмайди?
- д) ясси пўлатни кесиш учун муносиб тишли аррани қандай танлаш керак?
- е) сиз махсус технология бўйича ўрганган металл қирқишнинг механик усулларини айтиб беринг. Мисоллар келтиринг.

2.Ўқувчиларга дарс материали бўйича йўл – йўриқлар бериш:

- дарсда ўрганиладиган слесарлик даст арраси билан кесиш турлари;
- арра билан кесишга қўйилладиган умумий техник талаблар (эталон намуналари кўрсатилади);

- машқ қилиш мосламасидан фойдаланиб машқларни бажариш усуллари кўрсатиш ва тушунтириш;
- кўндаланг кесилган пўлатни даст арра билан кесиш усуллари кўрсатиш ва тушунтириш;
- трубаларни мақкамлаш ва кесиш усуллари кўрсатиш ва тушунтириш;
- полотноси қайилтирилган калин тунукани қирқиш усуллари кўрсатиш ва тушунтириш;
- типик хатолар, брак турлари, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, бартараф етиш ва олдини олиш усуллари;
- металлни кесиш пайтида иш ўрнини ташкил етиш, хавфсизлик қоидалари;
- машқни бажариши тартиби.

3. Кириш йўл – йўриғи материални мустахкамлаш:

- а) арра дасгоҳини йиғиш усуллари кўрсатинг, арра полотносининг таранглиги қандай текширилади?
- б) машқ мосламасини исканжага маҳкамлаш усуллари кўрсатинг;
- в) мосламада машқларни бажариш пайтида нималарга асосий етибор бериш зарур?
- г) кўндаланг кесими квадрат ёки учбурчак пўлатни кесиш пайтида нима учун аввал арра учини олдинга енгаштириш керак?
- д) кўндаланг материални кесиш пайтида кесиладиган жой қийшиқ чиқмаслиги учун қандай талабларга риоя қилиш керак?
- е) арра полотноси синишининг асосий сабабларини айтиб беринг? қандай қилиб бунинг олдини олиш мумкин?
- ж) арра билан кесиш пайтида хавфсизликнинг қандай қоидаларига риоя қилиш керак?

4. Мосламалардан фойдаланган ҳолда такрорлаш машқлари –

1. Арра дасгоҳини йиғиш.
2. Арра билан ҳаракат усуллари ўрганиш.

ИИИ. Ўқувчиларнинг машқлари ва жорий инструктаж. 8.50 - 9.50

1. ўқувчиларнинг машқлари (ҳар бир машққа тахминан 30 минут ажратилади):

- кўндаланг кесими учбурчак пўлатни кесиш;
- кўндаланг кесими квадрат пўлатни кесиш;

- кўндаланг кесими доира пўлатни кесиш;
- тунукасимон пўлатни кесиш;
- аррани қийшатириб ясси метални кесиш;
- аррани қийшайтириб трубани кесиш, тунука металлни кесиш.

2.Текшириш мақсадида ўқувчилар иш ўрнини айланиб чиқиш:

- иш ўринларини тайёрлаш ва ишни бошлаш;
- гавдани тўғри тутиш, аррани тўғри ушлаш ва ғўла материални тўғри кесиш усуллари;
- меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши;
- полотноси қийшайтирилган арра йиғилишининг тўғрилиги (жамоа инструктажи);
- ясси метални ва трубаларни қирқиш усули бажарилишининг тўғрилиги.

3.Бажарилган ишларни қабул қилиш ва баҳолаш.

4.Иш ўрнини йиғиштириш.

В Яқунловчи инструктаж - 9.50 - 10.00

1.Дарсга яқун яшаш.

2.Уйга топшириқ бериш: дарслик бўйича такрорлаш ва конспект ёзиб келиш.

Дарс матни тайёрлаш.

Дарс матнида ўқув материалнинг асосий моҳияти баён қилинади, зарур далиллар, жадвал маълумотлари, схемалар, эскизлар, ҳисоблаб ва ҳоказолар ёзиб қўйилади.

Дарс матни ўқувчиларга йетказилиши зарур бўлган ва хотирада сақлаб қолиш қийин бўлган маълумотларнинг баёни сифатида тайёрланиб, дарс режасига қатъий амал қилинган, ушбу мавзу ўқувчиларга олдинги синфлардан таниш ёки танишмаслигига қараб, таниш бўлса, қай даражада танишлигини ҳисобга олган ҳолда ёзилади.

Дарс матни мавзу мазмунини ўзида тўлиқ ифодалаш билан бир вақтда содда ва тушунарли бўлмоғи зарур. Дарс матнини ёзишда дарслик ва бир неча қўшимча адабиётлар ҳамда методик қўлланмалардан шунингдек, газета ва журналлардан фойдаланиш тавсия етилди.

Дарс матнини ёзишда турли адабиётларда улардаги шартли белгилар ва ўлчамлар, чизмаларни чуқур илмий таҳлил етиш орқали ўқувчиларга тушунарли бўлишига еришмоқ керак.

Амалий машғулотлар учун дарс матни ёзишда дастлабки (кириш) йўл-йўриқлар мазмуни ёритилади. Бунда бажариладиган ишни тайёрлаш технологияси, ундаги чизма ва тасвирлар ҳамда асосий хавфсизлик техникаси қоидалари тўғри ва аниқ келтирилиши талаб етилди. Дастлабки йўл-йўриқлар мазмунида янги малакалар хосил қилишга оид ишларни бажаришга алоҳида еътибор берилди.

Дарс матни ёзиш бўйича топшириқлар:

1. Ўқитувчи томонидан берилган мавзу бўйича дарс режасини ишлаб чиқиш.

Бунда:

- а) ушбу мавзу дастурнинг қайси бўлимига тегишли еканлигини аниқлаш;
- б) Ушбу мавзунини ўз ичига олган бўлим бўйича дастурда олдинги ва кейинги курсларда ўқувчилар қандай билим, кўникма ва малакаларга ега бўлганликлари ҳамда егаллаши керак еканлигини аниқлаш;
- в) тегишли курсларда ўқувчилар ушбу мавзу бўйича қандай билим, кўникма ва малакалар егаллашлари лозимлигини аниқлаш, ҳамда дарс режасини тузиш.

2. Дарс режасига асосланган ҳолда дарслик, кўшимча адабиёт ва методик қўлланмалар ҳамда кўшимча манбалардан фойдаланиб дарс матнини ёзиш. Иш усули мавзуси бўйича дарс матнининг муҳим таркибий қисмига - тегишли иш усулини ўрганиш учун керакли инструксион картадир.

Дарс матнини умумий мавзу бўйича ёзиш мақсадга мувофиқдир. Бундан илгари ёзилган дарс матнини журналлар, газеталар, мақолалардан, фан-техника ахборот бюллетенларидан, янги дарсликлардан, тажриба алмашишга бағишланган брошюралар ва бошқа манбалардан олинган материаллар билан тўлдириб бориш имконияти бўлади. Шу тарзда, дарс матни дидактик, методик ва техник материаллар тўпламига айланиб, ўқитувчи ва ўқув устаси унга ўрганган ва билган ҳамма янгликларини ёзиб боради. Бунда дарс матни лар дарсларга тайёргарлик кўришда катта аҳамиятга ега. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг иш усуллари ва йўллари кўрсатишга тайёргарлик ўқитувчи ва ўқув устасининг дарсга

тайёргарлигини енг муҳим таркибий қисимларидан биридир. Ўқувчиларнинг касб асосларини егалашларидаги муваффақият иш усуллари ва ҳаракатларини методик жиҳатдан тўғри кўрсатишга боғлиқдир. Ишни бажаришнинг меҳнат ҳаракатлари ва усулларини кўрсатишга тайёргарлик кўраётганда:

- дарс материалнинг мазмунини таҳлил қилиш ҳамда ишни бажаришнинг кўрсатиш учун мўлжалланган меҳнат ҳаракатлари ва усулларини ажратиш;
- кўрсатишга мўлжаллаган иш йўллари ва усулларини бажариш мазмун ва қоидаларини очиб берувчи инструксия карталарини диққат билан ўрганиш;
- кўрсатиш изчиллигини белгилаш ва уни дарс режасига ёзиб қўйиш;
- ёзма йўл – йўриқнинг зарур кўرғазмали қуроллари ва ҳужжатларини белгилаш ва тайёрлаш;
- кўрсатишнинг методик усулларини пухта ўйлаш;
- кўрсатишга мўлжалланган ҳаракатларни элементларга ажратиш, аста-секин кўрсатиладиган меҳнат ҳаракатлари вақтларни ажратиш, ўқувчиларнинг алоҳида еътиборини қаратиш керак бўлган енг мураккаб меҳнат ҳаракатларини алоҳида қайд қилиш;
- усқуналар, асбоблар, мосламалар, назорат – ўлчов воситалари ва кўрсатиш пайтида қўлланадиган бошқа воситаларни тайёрлаш ва ишда синаб кўриш;
- ишдаги тажрибали ўртоқ назорати остида ишлаш йўллари ва усулларини кўрсатишни машқ қилиш.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ўтказилиш шарт-шароити ва шу каби олимларни ҳисобга олган ҳолда у ташкил етилади ва ўтказилади. Дарсни ташкил етиш, ўтказиш ва яқунлаш бевосита ўқитувчининг касбий-педагогик маҳоратига, мустақил ҳолда изланишига сабр-тоқатига, қуйидаги шахсий хусусияларига кўп жиҳатдан боғлиқ:

- ўқитувчи шахсининг инсонпарварлигига:
- касбий билимига;
- педагогик маҳорат ва қобилиятига;
- бошқа шахслар билан муносабат ва мулоқатда бўлиш техникасига;
- ҳаётий иш тажрибасига.

Биз юқорида кўрсатилган мажмуавий шахс хусусиятлари ўқитувчи касбий фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминловчи асосий омиллар сифатида қараймиз. Шунинг учун ҳам меҳнат таълимига оид машғулотларни ташкил етиш, уни ўтказиш, яқунлаш кабиларни тахлилий баҳолашда ўқитувчининг бундай хусусиятларини ҳисобга олиш шарт.

Дарс мавзуси:

Дарс мақсади:

Таълимий:

Тарбиявий:

Ривожлантирувчи:

Дарс тури:

Дарс тури:

Дарс методлари:

Фанлараро боғланиш:

Моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар:

Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:

Дарснинг бориши

- 1. Ташкилий қисм. (5 дақиқа).**
- 2. Ўтган дарс мавзуси ва янги мавзу учун зарурий материалларни такрорлаш (10 дақиқа).**
- 3. Янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар (45 дақиқа).**

Режа:

1.

2.

3.

III. Дарс якуни.

1. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.

2. Уйга вазифа бериш.

3. Иш ўрнини йиғиштириш.

3.2. Дарснинг ҳар бир элементини изоҳлаб бериш.

Бунда талаба дарс режасининг ҳар бир элементида нималар акс эттирилиши ҳақида тўлиқ маълумот ёзиб чиқади.

Тақвимий мавзули режага асосланган ҳолда битта дарснинг режасини тузиб чиқади.

4. Амалий иш.

4. Табиий илмий циклдаги фанлар ўзаро боғланиш режасини ишлаб чиқиш.

4.1. Мақсад ва вазифаси.

Талабаларга табиий илмий циклдаги фанларнинг ўзаро боғланиш графиги нима учун хизмат қилиши ва бундай жадвални тўлдиришдан асосий мақсад нимадан иборат эканлигини тушунтириш.

4.2. Меҳнат таълими дастур мавзуларини физика, математика, чизмачилик, химия, биология фанлари билан боғлиқлик графигини тўлдириш.

Табиий илмий туркумдаги фанларнинг ўзаро боғлиқлик режаси. Бу ҳужжатда меҳнат таълими, физика, математика, кимё, чизмачилик ва бошқа фанларнинг ўзаро боғланиши очиб берилди. Мавзу ўрганишга киришилганда ўқув материалнинг физика, математика, кимё, чизмачилик ва ҳақозо фанлардан ўқувчилар олган билимининг етказишга ҳаракат қилмайди. ўқитувчи суҳбат ўтказиш йўли билан ўқувчиларнинг бу соҳадаги билимларини қандай ўрганганликларини аниқлайди ва ана шу фанлардан олган билимлар асосида уларга ишлов берилган металлларнинг тузилиши ва кириш жараёнини тушунтириб

Меҳнат таълими	Табиий-илмий туркумдаги фанлар				
	Физика	Математика	Кимё	Чизмачилик	Биологи
Кесиш жараёни ва кесувчи асбобнинг геометрияси иринди хосил бўлиш жараёни.Кесиш чуіурлиги суриш ва кесиш тезлиги,асбобларнинг чизмаси.	Қаттиқ жисмларнинг хоссалари ишіаланиш иш ва иссиілик.	Тўғри чизиқ ва текисликларнинг фазода паралеллиги, ктп ёіли бурчакларнинг хоссалари.	Эритмалар эмульсиялар минераллар, мойлар ва хайвон ёілари суриб совутувчи моддалар.	Жиріимлар ва кесим лар.	

Меҳнат таълимининг табиий-илмий туркумдаги фанлар билан ўзаро боғлиқлик жадвалини тузиш учун топшириқлар.

1- топшириқ .

- меҳнат таълими табиий-илмий туркумдаги фанларнинг дастурлари билан танишиб чиқиш;
- меҳнат таълимининг тақвимий мавзулар режасидаги мавзулар мазмуни билан танишиб чиқиш;
- меҳнат таълимининг тақвимий мавзулар режасидаги мавзуларга табиий-илмий туркумдаги фанларнинг мос келувчи мавзуларини аниқлаш;
- юқоридаги топшириқлар асосида меҳнат таълимининг табиий-илмий туркумдаги фанлар билан ўзаро боғлиқлик жадвалини наъмунадагидек тўлдириш.

5.Амалий иш.

Дарс жараёнларини таҳлил қилиш бўлажак ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Дарсни таҳлил

қилишда бир қанча маълумотлар, дарс бориши, дарс ютуғи, дарс камчилиги ва фикр мулоҳазалардан иборат бўлади.

Дарсни таҳлил этувчи бўлажак ўқитувчининг кузатаётган фанни яхши билиши, билим даражаси ва таҳлил этиш малакасига эга бўлиши таҳлилнинг мазмуни, методик жихатдан тўғри, сифатли бўлишида муҳимдир.

Дарс таҳлили ўзаро узвий боғланган қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- ўқув материали мақсади ва мазмунини таҳлил этиш;
- талабанинг ўқиш, ўзлаштириш фаолиятини таҳлил этиш;
- ўқитувчининг педагогик маҳоратини ташкил этиш;
- ўқитувчи ва талабанинг бевосита иштирокида нарса, воқеа ва ҳодисани таҳлил этиш;

- ўқув материални содда таҳлил этиш;

- таълимнинг турларини таҳлил этиш;

- таълим методлари ва шакллари таҳлил этиш;

- таълим жараёнида фойдаланиладиган воситаларни таҳлил этиш;

Қуйида биз юқоридаги асосий қисмлардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ўқув материали мақсад ва мазмунини таҳлил этиш:

1. Ўқув материалнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини таҳлил қилиш.

2. Ўқув материалнинг мантиқий тугалланган қисмларининг мураккаблиги таҳлил этилади.

3. Ўқитувчи бераётган маълумот таҳлил қилинади.

4. Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари таҳлил қилинади.

Талабанинг ўқиш, ўзлаштириш фаолиятини таҳлил этиш:

1. Талабаларнинг интизомини таҳлил этиш;

2. Талабаларнинг ўқув материални ўзлаштиришлари учун ўқув мазмунининг осондан мураккабга ўзгариб боришини таҳлил этиш;

3. Талабанинг ўтилатган мавзуга муносабатини таҳлил этиш;

4. Талабаларнинг ижодий фикрлаш фаолиятларини таҳлил этиш;

5. Ўқитувчининг талабага нисбатан талабчанлиги, унга таъсир этиш даражасини таҳлил этиш.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини таҳлил қилиш: ўқитувчининг ўқитиш фаолияти, ўқув ишларини бажариш, талабаларни маънавий - ахлоқий тарбиялаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, талабаларнинг дунёқарашини ривожлантириш жараёнини таҳлил қилади.

Ўқитувчи ва талабанинг бевосита иштирокида нарса, воқеа ва ҳодисани таҳлил этиш: Талабанинг ўқув жараёнида ўзини тутиши, ҳатти - ҳаракати, муомиласи, интизоми таҳлил қилинади ва ҳ.

Таълим методлари ва шакллари таҳлил этиш:

а) ўқитувчи қўллаётган методнинг ўқув материалининг характериға мослиғига;

б) дарсда кўргазмалар қуроллардан фойдаланишга;

в) амалий ишларнинг адабиётлар билан мустақил ишлашнинг ташкил этилишиға, мустақил ишларни бажаришдаги талабалар фаолиятиға эътибор берилади.

Дарсни кузатиш, уни таҳлил этишға тайёргарлик кўриш ва таҳлил қилиш, асосан беш босқичда амалға оширилади:

1. Ўқув муассасаси раҳбарлари билан келишилган ҳолда таҳлил қилинадиган дарс, кузатиш муддати белгиланади.


2. Ўқув режаси, ўқитувчининг дарс учун тузган маъруза матни, дарслик, ўқув – методик қўлланма ва қўшимча материаллар билан танишилади, ўқитувчининг шахси ва характери ўрганилади.

3. Аудиторияда дарс жараёни кузатилади ва зарур фикрлар «Дарс таҳлили дафтари»ға ёзилади.

4. «Дарс таҳлили дафтари» даги ёзувларни ўқиб чиқиб, улар мукамаллаштирилади ва умумлаштирилади, шу асосда суҳбатда айтиладиган фикрлар белгиланади. Гуруҳ журнали, талабаларнинг ёзма назорат ишлари, дафтарлари, ўқитувчининг фаолияти ҳақидаги фикрлар, ўқув муассасаси

рахбарлари томонидан кузатилган дарс таҳлили материаллари ўрганилади, баъзи далиллар таққосланади.

5. Дарсни кузатиш жараёнида туғилган фикр, хулосалар ҳақида оғзаки таҳлил этилади, ўқитувчига маслаҳатлар берилади. Мазкур дарс юзасидан билдирилган фикрларга ўқитувчининг шахсий муносабати сўралади сўнгра дарс ҳақидаги фикрлар яқунланади.



1. Илмий таҳлил.

Бу таҳлилда талабаларга берилаётган билимларнинг илмий – назарий жиҳатдан тўғрилиги, мукамаллиги ҳамда талабалар бажараётган мустақил ишнинг мукамаллиги ва унинг аниқ мақсад томон йўналиши ўқув предмети хусусиятлари асосида аниқланади. Дарсни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда асосан қуйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

а) қоида ва таклифларнинг, рақамларнинг тўғри баён этилиши ва тўғри кўрсатилишига;

б) ўқитувчининг мавзуга илмий ёндошишига;

в) фан тарихи ҳақида бераётган тушунчаларига;

г) ўқитувчининг хулосалари, якуний натижаларига, уларнинг илмий жиҳатдан тўғри, мукамаллигига;

д) дарслик метариалларини қўшимча адабиёт материаллари билан бойитилишига, талабалар бажараётган лаборатория ва мустақил ишларнинг мақсадга мувофиқлигига;

е) ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олинишига; ва ҳ.

2. Психологик таҳлил.

Дарсни таҳлил этаётган бўлажак ўқитувчининг олдида хилма – хил психологик талаблар ҳам қўйилади. Дарсни таҳлил этувчи дарсни ўтишда ўқитувчининг талаба қобилиятини тарбиялашига, унда иродавий фаолликни юзага келтириш ва ривожлантириш учун қўлланган усулларга талабанинг тасаввур этиш ва ижод этишида зарур ҳисобланган хаёл фаолиятига қандай муносабатда бўлганлигига аҳамият беради. Психологик таҳлил талаба ва ўқитувчининг қобилияти, қизиқиши, темпераменти, характери хусусиятлари, идрок, диққат кабиларни ўрганиш билан характерланади.

Психологик таҳлил этувчи дарсни ўқитувчи ва талаба фаолиятини таълим – тарбиянинг такомиллашган психологик асосларига суянишни, талабаларнинг ўқув ишлари ва дарс жараёнидаги ҳулқий, психологик ҳолатларини ўрганади.

3. Методик таҳлил.

Ўқитувчининг дарсни баён қилишда фойдаланган методларининг афзаллик томонларини таҳлил қилиш. Таҳлил этувчи дарс методининг қимматини белгилашда дарсда қўлланилган методларнинг қуйидаги талабларга жавоб беришини инобатга олиши керак:

- 1) тушунтиришнинг содда ва равлонлиги;
- 2) тушунтириш учун қулай, осон имкониятлардан фойдаланиш;
- 3) талаба ақлий фаолиятини фаоллаштирувчи воситалардан тўла фойдаланиш;
- 4) дарслик материалининг қўшимча материаллардан фойдаланилган ҳолда талаба онгига етказилиши;
- 5) талаба эҳтиёжи ва талабанинг имконияти ҳисобга олиниши;
- 6) мустақил иш бажаришни талабанинг интеллектуал қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уюштириш лозим.

Дарс мақсади ва воситаларининг таҳлили, дарс таҳлиliga киришдан олдин ўқитувчининг маъруза матни, унда акс эттирилган дарснинг мақсади ва дарсда қўлланиладиган зарур воситалар билан мукамал танишишдир. Масалан ўқитувчининг мавзуни мустаҳкамлашда ўз олдига қўйган мақсади ва у мақсадни амалга ошириш учун қандай воситалардан, усуллардан фойдаланмоқчи эканлиги аниқланади.

4. Дидактик таҳлил.

Дидактик таҳлил таълим турларининг самарадорлигини ва самарадорликни белгиловчи қонунларнинг дарсда қанчалик тўғри ва мукамал бажарилганлигини таҳлил этиш демакдир.

Ўқитувчининг дидактик вазифани амалга ошириш жараёни – субъект ва объект ўртасидаги ўзаро жараён дир. Дарс таҳлил этувчи мазкур ҳолатни мукамал таҳлил этиш билан ўқитувчи фаолиятини баҳолайди.

5. Умумий педагогик таҳлил. Умумий педагогик таҳлил дарсдаги ҳамма жиҳатларни қисқа ва содда формада таҳлил этиш демакдир. Дарсни умумпедагогик жиҳатдан таҳлил этганда асосан қуйидагилар ҳисобга олинади:

- 1) Талабаларнинг тартиб - қоидага муносабати;

- 2) Талабалар билан ўтказиладиган савол – жавоблар;
- 3) Дарснинг жиҳозланиши;
- 4) Дарсда санитария – гигиена қоидаларига амал қилиниши.
- 5) Дарс босқичларининг тўғри уюштирилиши, ҳар бир босқичда

машғулотнинг тўғри уюштирилиши.

6) Ўқитувчининг педагогик, психологик жиҳатдан намунали шахс даражасида бўлиши.

7) Тарқатма, кўрсатма ва техник воситаларнинг сифати, улардан ўринли фойдаланиш.

- 8) Ташқи муҳит ва ишлашга шароитнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳ.

Дарсларнинг таҳлиллари ўртасида қатъий чегара бўлмайди. Шунинг учун ҳам дарсларнинг илмий – назарий, психологик, методик, дидактик, умумий педагогик таҳлили даражада бир – бирига яқин таҳлил маълум этилади.

Қуйида дарс таҳлил этишнинг намунавий таҳминий тузилмасини кўрсатиб ўтамиз.

Дарс кузатиш натижасида у ҳақида тўлиқ тасаввур вужудга келиши керак. Шунинг учун маълум тарздаги умумий талабларга риоя қилиш лозим.

1. Дарс ҳақида умумий маълумот: сана, жойи, синф, фан, ўқитувчининг исми, фамилияси, нечанчи соат (дарснинг жадвалдаги ўрни), ўқувчиларнинг сони, давомати, амалиётчи - талабалар қатнашиши.

2. Дарснинг мақсадлари. а) таълимий, б) тарбиявий, в) ривожлантирувчи мақсадларнинг қўйилиши ва унинг дарс жараёнида ёритилиши.

3. Ташкилий қисми кузатишда асосан ўқувчиларни дарсга ҳозирлиги, синф хонасининг, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги (иш кийими, энглари, рўмоллари) борми, уларни асбоб-ускуналар билан таъминланиши ва босқични қандай ўтганлиги даражаси етарли савияда ўтганлиги назорат қилинади.

4. Ўтилган мавзуни такрорлаш. Ўқитувчи ўқувчиларга берган саволлари ўтган мавзуни қамрай олдими, саволлар аниқми, мавзуни такрорлашда қайси усуллардан фойдаланди. Ўқувчиларнинг жавоблари мавзуни ўзлаштирадими дейишга асос бўладими, ўқувчиларнинг жавоблари таҳлил этилади.

5. Янги мавзуни тушунтиришда қандай усуллар қўлланилди. Ўқувчиларни меҳнат таълими ва бошқа фан асослари бўйича билимларига таянилдими ёки йўқми. Етарлича кўрсатмалиликдан фойдаланилди, ўқувчиларни қизиқтира олинди, таълимда муаммоли вазият қўлланилди, Янги билимни ўзлаштирилиши текширилди, ҳаёт билан боғланганлиги ҳақида фикр билдирилади.

6. Кириш йўриқномаси. Меҳнат топшириғига тавсиф бериш: уни ўқувчилар бажара оладими, уларда қизиқиш уйғотадими? Топшириқни бажаришда ўқувчиларнинг меҳнат таълими ва фан асосларига доир назарий билимларидан фойдаланиши назарда тутилди? Топшириқни бажариш билан боғлиқ ишнинг мазмуни мактаб ўқув дастурининг ўрганилаётган мавзусига мувофиқми? Буюмга қўйиладиган талаблар, ўзини-ўзи назорат қилиш мезонлари кўрсатилди? Кириш йўриқномаси қандай ўтди: қайси иш усуллари қўлланилди, уларни намойиш этишда етарлича кўрсатмалилик таъминландими? Ўқувчилар топшириқни қанчалик тушунгани текширилди ва бу текшириш етарлими? Хавфсизлик техникаси қоидаларига эътибор қандай? Кириш йўриқномасида ўқувчилар қандай иштирок этдилар: улар пассив тингловчи ва кузатувчи бўлдиларми ёки ўқитувчи уларни айрим масалаларни ҳал қилишга жалб этдилми?

7. Ўқувчиларни мустақил иши. Ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг қандай шакллари қўлланди? Ўқувчилар қандай хатоларга йўл қўйдилар, булар типик хатоларми? Ўқитувчи ўқувчиларнинг хатоларига қандай муносабатда бўлди? Қандай жорий йўриқномаси ўтказилди? Улар олдиндан режалаштирилганми? Жорий йўриқномаси ўз вақтида ўтказилди, дейиш мумкинми? Ўқувчилар жисмоний ишдан дам олишлари учун танаффуслар режалаштирилганми, бу танаффуслардан ўқитувчи қандай фойдаланди? Ўқувчилар, меҳнат топшириғини бажариш билан боғлиқ баъзи масалаларни мустақил ҳал қилишларига тўғри келди, улар бу ишни бажара олдиларми? Ўқитувчи умуман синфнинг ва алоҳида ҳар бир ўқувчининг фаолияти устидан назоратни таъминладими? Ўқитувчи кучли ўқувчилар учун қўшимча топшириқларни назарда тутди? Ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини шакллантиришга етарлича эътибор берилди?

8. Якунловчи йўриқнома. Бу йўриқномага қанча вақт кетди, у нима ҳақида бўлди? Машғулот қанчалик чуқур ва тўлиқ яқунланди? Типик хатолар, яхши ва кўнгилдагидек чиқмаган буюмлар кўрсатилдими?

9. Иш ўринларини йиғиштириш. Иш ўринларини йиғиштириш қанча вақт олди? Ўқувчилар йиғиштириш учун барча зарур нарсалар билан таъминландими? Иш ўринларини йиғиштиришнинг сифати ким томонидан ва қандай текширилди? Иш ўрнининг озодалиги учун мусобақа ўтказилдими? Бу мусобақада синф фаоллари қандай роль ўйнайди?

10. Умумий хулоса. Дарс қандай элементлардан ташкил топди? Дарс типи. Ўқитувчи кўзлаган мақсадга эришдими?

5.1.Методик тахлили.

5.2. Дарс мавзуси.

5.3.Дарсинг мақсади.

5.4. Ташкилий қисм.

5.5.Ўтилган материал юзасидан савол жавоб.

5.6. Янги материални тушунтириш.

5.7. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари.

5.8.Яқунловчи инструктаж.

5.9. Иш ўринларини йиғиштириш.

5.10. Умумий хулоса.

ДАРС ТАҲЛИЛИ

«_____» _____ 2006 йил

Дарс берувчи ўқитувчи _____ гуруҳи _____

фан _____ журналдаги ўқувчилар сони _____ шундан
_____ нафари дарсга катнашди _____ нафари кеч келди.

Ташкилий қисм _____

Дарснинг бориши

1. Ўтган мавзунини такрорлаш _____

2. Янги мавзу _____

3. Дарсда кўргазмалар қурол ва техника воситаларидан фойдаланиш

4. Дарсга тавсиф (ғоявий – сиёсий, илмий – назарий ва услубий нуқтаи назардан, вақтинча тўғри тақсимланиши)

5.

Дарснинг ютуғи	Дарснинг камчилиги

6. Фанлар алоқадорлиги, турмуш, табиат, ишлаб чиқаришга боғлаши

5. Дарсинг якуни _____

6. Уйга вазифа _____

8. Ўқувчилар дафтарига ва китобига эътибори

9. Синф тозалигига бўлган муносабати _____

10. Хулоса ва таклифлар _____

11. Синф ўқувчилари ҳақида фикр

Дарс кузатувчи: _____

Дарс берувчи: _____

6.Амалий иш.

6. Ўқув устахонасида бажариладиган буюмлар рўйхати.

6.1. Ҳар бир синф учун иш объектларини рўйхатини тузиш.

Бу хужжатни меҳнат таълими ўқитувчилари биргаликда тузадилар. Бу рўйхатни тузишда ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш мумкин бўлган ишлаб чиқариш маҳсулотлари (деталлар, турли хил буюмлар, қурилмаларини монтаж қилиш, ускуналарни тузатиш) ва ўргатиладиган касблар йўналишлар асосида рўйхат тузаётганда ўқув-тарбия ишлар мазмуни ҳисобга олинади. Таълимнинг мазмуни машина ва механизмлар, аппаратлар ва шу кабиларга хизмат қилишдан иборат бўлган касблар учун, шунингдек бевосита корхоналарда, турли хил меҳнат жамоаларида, транспорт ёки бошқа ташкилотларда ишлаб чиқариш таълими ўтказилаётганда ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхатида ўқувчилар касб ўрганадиган иш ёки объектларининг умумий хусусияти ҳамда ҳар бир мавзу ёки дастурнинг бўлими бўйича бажариладиган ишларнинг номи кўрсатилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатини тузишнинг асосини – ўқувчилар касб бўйича зарур кўникма ва малакаларни ўзлаштирадиган иш объектларини танлаш ҳосил қилади. Ўқув ишлаб чиқариш ишларини танлашда қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ўрганиладиган касбга хос бўлишига;

ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бажарилаётганида ўқувчилар егаллайдиган кўникма ва малакалар ўқув дастури бўйича ўрганиладиган билим авалий кўникма ва малакалари мос бўлиши;

ишлар мураккаблик, аниқлик ва уларнинг сифатига нисбатан бошқа техникавий талаблар даражаси бўйича ўқувчиларининг таълимнинг мазкур босқичида егаллаган касб маҳорати ва уларнинг техник билимлари даражасига мувофиқ бўлиши;

танланадиган ўқув - ишлаб чиқариш ишлари мавзудан мавзуга ўтиб борган сари аста-секин мураккаблашиб бориши;

танланадиган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари шакли, конфигурация, материаллари, ҳажми, техник талаблари, бажаришда қўлланидиган усуллар, сарфланадиган вақт ва ҳоказолар бўйича хилма-хил бўлиши керак. Бу еса ишларнинг турли усуллари, оператсиялари ва ҳаракатларини бажаришда касб кўникмалари ва малакаларининг кенг доирасини шакиллантириш имконини беради.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари таянч кохоналарнинг буюртмаларидан, ўрта махсус касб - ҳунар таълим ўқув юртлирининг ишлаб чиқариш буюртмаларидан, шунингдек ускуналарни ремонт қилиш, ўқув устахоналаридаги асбоб-ускуналар ва мосламаларнинг, ўқув юртининг хоналари ва лабораториялари учун кўргазмали қуроллари ва жихозларни тайёрлаш соҳасидаги ишлардан танлаб олинади. Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатиға нисбатан енг муҳим умумий талаблардан бири - унинг барқарор бўлишидир. Бу нарса ўқув устахоналарининг ўқув-моддий техник базасини вужудға келтириш ва мустаҳкамлашда, ишлаб чиқариш зарур йўл – йўриқлар берувчи ва технологик ҳужжатлар билан таъминлашда ёрдам беради.

Таълимнинг бошланғич даврида ўқув-ишлаб чиқариш ишларини иш усуллари бўйича бажаришни қўллаш мақсадға мувофиқдир.

Бунда ўқувчилар аввал муайян маҳсулот буюмни тайёрлашда муайян иш турини муайян иш усулини ўрганадилар, сўнгра маҳсулот чала фабрикат сифатида навбаттдаги иш усулини ўрганиш бошлангунға қадар сақлаб қўйилади. Бу усул ўқув юрти ички ишлаб - чиқаришда ҳам фойдаланилади, бунда биринчи курс ўқувчилари таълимининг мазкур даврида ўрганаётган иш усуллариғина бажарадилар, иккинчи курс ўқувчилари ёки ўқув юртининг оталиқ қархонасидаги ишчилар еса мураккаброқ, яқунловчи иш усуллариғина бажарадилар. Бундай ишлаб - чиқариш ўқув юрти билан унинг оталиқ қархонаси ўртасида ҳам бўлиши мумкин.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатини ишлаб чиқишда гуруҳ ишлаб чиқариш фаолиятиға ажратилган ўқув вақтининг умумий фонди ва ўқув дастуриға мувофиқ муайян давр учун ишлаб чиқариш таълимиға ажратилган вақтнинг умумий

миқдорига асосланилади. Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатига киритилган буюмларни тайёрлашга кетадигн вақт ўқув дастурига мувофиқ муайян давр

Ўқув устахонасида бажариладиган буюмлар рўйхати ярим йилга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилади. Уни ишлаб чиқишда уста, меҳнат таълим ўқитувчилари катнашади. Ҳар бир 5-7синфнинг йўналишлар бўйича фан дастурини ўрганиб чиқиб ва уларга асосланган ҳолда ўқув устахонасида бажариладиган буюмлар рўйхати тузиб чиқилади.

Ўқув устахонасида бажариладиган буюмлар рўйхати календар тематик режага қўшимча равишда тузилади. Бу қуйидаги принципларга асосан ишлаб чиқилади.

6.2. Қандай дидактик принципларга асосланиб тузилади.

1. ўқитиш унумли меҳнат асосида олиб борилади.
2. Буюмлар оддийдан мураккабга қараб жойлаштирилади.
3. Хамма буюмлар операциялар бўйича нормаллаштирилган, бу эса ўқувчиларни меҳнат процесини режалаштиришга ўргатади.
4. Давлат таълим стандартларига ва фан дастурига асосланган ҳолда тузилади.
5. Назария ва ямалиёт бирлигига.
6. Мустаҳкам ва пухта ўзлаштиришга.

7. Технологик конструкцион харита.

7.1. Технологик харита-маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқириш технологик операцияларини кетма-кетлигини баён қилувчи техник хужжатдир.

Технологик жараён – ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов беришнинг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларнинг йиғиндиси.

Технологик операция – ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган, якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

Ишлаб чиқариш технологияси қуйидагиларни билдиради:

-хом-ашё материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни олиш, уларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўллари ва усулларининг йиғиндиси (технологиянинг жараёнли-баёнли аспекти);

-юқорида кўрсатилган йўллар ва усулларни ишлаб чақувчи ва такомиллаштирувчи фан. Технологияни фан сифатида вазифаси, моддий ресурслар ва вақтни энг кам сарфлашни талаб қиладиган самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ҳамда амалда қўллаш мақсадида қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий аспекти);

-жараённинг ўзи- казиб олиш, топиш, ишлов бериш, қайта ишлаш,ташиш, омборга жойлаш, сақлаш ва ишлаб чиқаришни техник назорат қилиш (технологиянинг жараёнли-ҳаракатли аспекти).

7.2. Технологик конструкцион харита жадвалини бериш.

Жараён кетма-кетлиги.	Технологик жараён номи.	Жараён эскизи.	Фойдаланадиган асбоблар ва мосламалар.	Асосий ўлчовлар.
1.	Фартукнинг этак қисмига чўнтак ўрнини белгилаш.		Чизғич, мел,нина, ип.	7см 14см 14см.
2.	Фартукнинг чўнтақларини этак қисмига кўлда кўклаб тикиш.		нина, ип	-

Технологик жараён номи. Буюм тайёрлашда бажариладиган жараёнларнинг кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда ёзилади.

Жараён эскизи. Бажариладиган ишнинг эскизи чизилади ва ишни бажаришда фойдаланиладиган асбоблар, ўлчамлари берилади.

8.Ўқувчилар ўзлаштиришлари ва эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар.

8.1.Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар.

Бунда талабалар меҳнат таълимининг бирор йўналиши ва бўлимини танлаб олиб мавзуларга асосланган ҳолда ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар мажмуини тузиб чиқадилар.

8.2.Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган кўникмалар.

Бунда талабалар меҳнат таълимининг бирор йўналиши ва бўлимини танлаб олиб мавзуларга асосланган ҳолда ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган кўникмалар мажмуини тузиб чиқадилар.

8.3.Ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар.

Бунда талабалар меҳнат таълимининг бирор йўналиши ва бўлимини танлаб олиб мавзуларга асосланган ҳолда ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган малакалар мажмуини тузиб чиқадилар.

9.Тўғарак ишларининг иш режаларини тузиш.

9.1. Тўғарак ишларини ташкил этиш методлари.

Бунда талабалар тўғаракларни қандай пайтларда ва қандай ўқувчиларни жалб этилиши ҳақида маълумотлар тўплайдилар. Тўғарак аъзолари қандай танлаб олинади, унда ҳисобга олинadиган омиллар.

9.2.Тўғарак иш режасини тузиш.

Машғулот кетма-кетлиги.	Машғулот мавзуси.	Машғулотга ажратилган соат.	Машғулот ўтказиш вақти.
1.	Қўл чоклари ҳақида маълумот. Занжир, крест, ироқи чоклар ёрдамида кашта тикиш.	3соат	7.09.

10.Мехнат таълимини ўқитиш жараёнида касб танлашга тайёрлаш.

10.1. Мехнат таълими дарс жараёнида касб танлашга тайёрлаш.

10.2. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда касб танлашга тайёрлаш.

11. Мехнат таълими дарсларида янги педогогик технологияларини қўллаш.

Амалий машғулотда талаба мехнат таълими дастуридан бирор мавзунини танлаб олиб унга педогогик технологияни қўллаган ҳолда дарс ишланмасини тайёрлайди.

Технологик карта.

Мазу:	Ўзбек миллий каштачилиги ҳақида умумий маълумот .Миллий буюмлар ва миллий кийимлар.
Мақсад, вазифалар.	
Ўқув жараёнининг мазмунини.	
Ўқув жараёнинини амалга ошириш технологияси.	Метод: Форма: Восита: Усул: Назорат: Баҳолаш:
Қўйилган натижалар.	Ўқитувчи: Ўқувчи:

12.Мехнат таълими дарсларида техник воситалардан фойдаланиш.

Мехнат таълими ўқитувчисига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Зиёли, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши.
2. Ўқувчи - ёшларни севиши, уларни ҳурмат қилиши.
3. Юқори даражадаги маданиятга эга бўлиши.
4. Педагогик ва психология асослари, педагогика ва мехнат таълими методикасини яхши билиши.
5. Юқори даражадаги педагогик маҳоратга ега бўлиши.
6. Ўз фанини чуқур билиши, касбий маҳорати ва дунёқарашининг кенг бўлиши.

Педагогик маҳорат кўрсаткичлари ва асосий мезонлари.

Педагогик маҳоратнинг қуйидаги асосий кўрсаткич ва мезонлари мавжуд:

- 1.Замонавий таълим - тарбия методлари ва воситаларини мукамал эгаллаганлик.
- 2.Педагогик фаолиятда хусусий услубга егалик.
- 3.Талабчанлик, ҳаққонийлик.
- 4.Иш ва сўз билан ишонтира олишлик (иш ва сўз бирлиги) .
- 5.Педагогик муомала.
- 6.Ўқувчилар билан яхши муносабат ўрнатиш ва уни сақлаб туришлик.
- 7.Педагогик техниканинг юқори даражада бўлиши.
- 8.Педагогик жамоада ишлай олишлик.
- 9.Янгиликка интилувчанлик, доимий ижодий фаоллик.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ошириш йўллари.

- 1.Малака оширишнинг турли шаклларида таълим олиш(малака ошириш).
- 2.Мустақил равишда ўз педагогик тажриба ва билимларини ошириш.
- 3.Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш.
- 4.Шахсий педагогик тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш.
- 5.Методик ҳайят, шўъба ва бирлашмалар ишида иштирок этиш.
- 6.Очиқ дарсларга кириш ва уларни таҳлил этиш, ўзаро дарсларга кириш.
- 7.Методик ишланмалар тайёрлаш.

Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг дарсларга тайёргарлиги.

Умумтаълим мактабларидаги меҳнат таълими фанлари бўйича машғулотларни режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш ўзаро чамбарчас боғлангандир. Машғулотларни режалаштириш - унга тайёргарликнинг бир қисми бўлиб, режалаштириш ҳужжатларида меҳнат таълими ўқитувчисининг машғулотларга тайёргарлик натижалари акс эттирилади. Шу сабабли меҳнат таълими ўқитувчисининг тайёргарлик фаолиятининг ана шу ҳар икки қисмини биргаликда кўриб чиқиш зарур.

Машғулотларга тайёргарлик икки босқичга бўлиш мумкин:

1. Ўқув йилига тайёргарлик;

2. Дастурнинг навбатдаги мавзусини ўрганишга тайёргарлик.

Тайёргарликнинг ҳар бир босқичи меҳнат таълими ўқитувчисининг шахсан тайёргарлигини, ўқув - материаллар, кўргазмали қуроллар, жихоз ва мосламалар, асбоб - ускуналар, керакли хом ашёларни тайёрлашни ва ўқув жараёнини режалаштиришни ўз ичига олади.

Тайёргарлик мазмунининг асосий масалалари унинг босқичларига мувофиқ жадвалда акс эттирилган.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг машғулотларга тайёргарлиги босқичлари ва унинг мазмуни.

Тайёргарлик босқичлари	Меҳнат таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг шахсий тайёргарлиги	Ўқув-материал ва асбоб - ускуналарини тайёрлаш	Ўқув жараёнини режалаштириш
И. Ўқув йилига (ярим йилликка) тайёргарлик.	ДТС ўқув режа, дастур, педагогик - методик ва техник адабиётни, дарсликлар ва қўшимча адабиётларни ўрганиш, илғор ўқитувчилар, педагогик конференция ва семинарлар ишида қатнашиш, тажриба орттириш, касбга йўллаш ишида, ўқувчиларни тўғри касб танлашларига кўмаклашиш.	Мактаб ўқув устахоналари, лабораторияларини, ишлаб чиқариш корхоналардаги ўқув майдончалари ва иш ўринларини ўқув дастурларига, меҳнат меъёрлари ва уни муҳофаза қилиш қоидаларига ҳамда хавфсизлик техникасига мувофиқ тайёрлаш.	Мавзули режа, ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш ишлари учун техник ва технологик талабларини ишлаб чиқишда қатнашиш, ўқув техник хужжатларини, рейтинг меърий хужжатларни ва баҳолаш меъзонларини, ишлаб чиқиш ишлаб чиқариш амалиётининг батафсил дастурини ишлаб чиқиш.
ИИ.	Методик ва техникавий	Мавзуни ўрганиш	Махсус ва умумий тех-

<p>Машғулотларга тайёргарлик.</p> <p>1.Мавзуни ўрганишга тайёргарлик.</p>	<p>адабиётларни, мавзуга оид ахборот материалларини ўрганиш; ёзма йўл йўриқ хужжатлари, фанлараро комплекс топшириқларни, ўқувчилар учун уй иши топшириқларини тайёрлаш.</p>	<p>учун ўқув ишлаб чиқариш ишларини белгилаш ва тайёрлаш, ўқув материаллари ва асбоб ускуналари, шунингдек мавзуни ўрганишда фойдаланиладиган ўқув хужжатлар борлигини текшириш ва фойдаланишга тайёрлаш.</p>	<p>ника фанларини ўрганиш пайтида мавзу бўйича ўқувчилар олган билимларини таҳлил қилиш, мавзу материалини мавзучалар ва дарсларга тақсимлаш, фанлараро алоқаларни, мавзу учун мос бўлган шакл, метод ва усулларни аниқлаш.</p>
<p>2.Дарсга тайёргарлик.</p>	<p>Дарслик, методик ва техникавий адабиётларни, илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари бўйича материалларни ўрганиш; меҳнат усулларини кўрсатишга тайёргарлик кўриш.</p>	<p>Дарсда ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун керакли материалларни тайёрлаш ва текшириш; ўқувтехника хужжатларни, кўрғазмали куролларни, янги педагогик технологияларни тайёрлаш; асбоб ва ускуналар, жихоз ва мосламаларни тайёрлаш ва уларни ишлатиб кўриш.</p>	<p>Олдин ўтилган машғулотлар яқунларини таҳлил қилиш, келгуси дарс мазмуни, мавзуси, таълимий ва тарбиявий мақсадларини аниқлаш; кириш йўл - йўриқларини ўтказиш методлари ва методик усулларини белгилаш; ўқувчиларнинг машқлари ва мустақил ишлари тизимини, жорий йўл – йўриқлар усулларини белгилаш; дарс режасини ва кириш йўл – йўриқларининг режасини тузиш, ўқувчиларга бериладиган муайян уй топшириқларини белгилаб қўйиш.</p>

